

**ИРОНИЯНИНГ ДИСКУРСИВ ВА КОММУНИКАТИВ-ПРАГМАТИК
ВАЗИФАЛАРИ.****Нуриддинова Гузел Шамсиддинова***Фаргона давлат университети 2-босқич магистри**guzelnuriddinova7870@gmail.com*

Аннотатсия. . Ушбу мақола асосан кўчма маънода қандайдир бир ишора ёрдамида ифодаланиши. У тилшунослик фанида «тагматн» атамаси остида ўрганилиши, ироник мазмун ифодалаш лингвистик тадқиқотнинг прагматик аспекта таркибига кириши ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: Тагматн , ажабланиш, таажжуб, эътироз, илтимос, буйрук, нутқий экспрессия, ғоявий нияти.

Инсон фаолияти вербал ва невербал кўринишларда намоён бўлади. Бунда унинг нутқига сингиб кетувчи ва унинг нутқий ахлоқини, нутқий узлигини намоёниш этувчи ички ҳолати ҳам сезилиб туради. Инсон вербал воситалар ёрдамида ўз фикрини ифода этар ёки ўзгалар фикрини қабўл қилар экан, ана шу нутқий жараёнда нутқ субъекти ва тингловчининг ички ҳис-туйғулари ҳам намоён бўлади. Бу ҳис-туйғулар унинг нутқида ошқора, баъзида яширин ҳолда юзага чиқади. Бу эса унинг бирор воқеа, ҳодиса, фикрга нисбатан хусусий муносабатини белгилайди. Бундай хусусий муносабатлардан бири ироник мазмун – муносабат ифодалашдир.

Демак, иронияда фикр тил бирликлари воситасида тўғри ва очиқ айтилмасдан, тескари, кўчма маънода қандайдир бир ишора ёрдамида ифодаланади. У тилшунослик фанида «тагматн» атамаси остида ўрганилади.

Тагматн – фикрнинг тўла, ифодаланмай қолган қисми, бўлаги бўлиб, сўз ёки бирикмани кўчма маънода қўллаш орқали юзага чиқариладиган иккинчи пландаги асосий мақсад ёки ниятдир. Тагматн «фикрнинг сўзлар воситасида ифодаланмаган, лекин назарда тутилган ботиний баён мазмунидир.

Кўринадики, ироник мазмун ифодалаш лингвистик тадқиқотнинг прагматик аспекта таркибига кирувчи ҳамда нутқий жараёнда нутқ объекти билан боғлиқ ҳолда намоён бўлувчи шахсий муносабат кўринишидир. Шахсий муносабат кўринишларининг мазмун доираси жуда кенг бўлиб, улар таркибига мамнунлик, аччиқланиш, ҳайратланиш, ажабланиш, таажжуб, эътироз, илтимос, буйрук, мақтанчоқлик, менсимаслик, ирония, пичинг, кесатик қабиларни киритиш мумкин.

Шахс ва унинг ички руҳий ҳолати, ниятининг нутқ жараёнида ифодаланиши услубий-лингвопрагматик тадқиқот объекти саналади. Прагматик маъно ёки мазмун (жумладан, ирония)ни намоён қилувчи нутқ бирликлари, парчалари «лингвопрагматик контекст» номи билан юритилади. Лингвопрагматик контекст – бу нутқий занжир парчаси

бўлиб, актуал бирликларнинг прагматик мазмунини кўрсатиш учун Қўлланувчи вербал сигналлардир.

Инглиз ва ўзбек тилларининг бадиий услуби бугунги кунда тасвирий ифода усулларининг, нутқий экспрессиянинг жуда катта хазинасига эга. Уларда кенг қамровли анъанавий услубий фигура – воситалар тизими мавжуд. Инглиз ва ўзбек бадиий услубининг шаклланиши ва тараққиётида ҳар бир жанр, ҳар бир бадиий санъат – тасвирий воситаларнинг алоҳида ўрни ва хизмати бор. Тилнинг тараққиёт қонунлари билан боғлиқ равишда услубий фигураларнинг қўлланиш кўламида ҳам маълум ўзгаришлар юз бериб боради. Ижодий фаолият маҳсули сифатида тилда янги тасвирий ифода воситалари пайдо бўлади, улар фаол муомалага киради, баъзи воситалар экспрессивлигини йўқотиши билан маъноси кенгайган тил материалига айланиб қолаверади. Агар бу воситалар фақат алоҳида олинган ижодкор қаламигагина мансуб бўлса, охори тўкилмаган ҳолда бадиий ижоднинг нодир наъмунаси сифатида яшайверади. Шунинг учун ҳам бундай воситаларнинг бадиий услубдаги аҳамиятини кенг тушунган адабиётшунос олим С.Мамажонов буни шундай таъкидлайди: «тасвирий воситалар рўпара келган одам миниб кетаверадиган, эгарлаб қўйилган от эмас. Кайси тасвирий воситани қандай қўллаш ижодкорнинг дунёқараши, ғоясига воқеликка муносабати, уни ўзига хос кўриши, идрок этиши, тушуниш ва тушунтириш услубига, бадиий тафаккурига, лирик қаҳрамоннинг хусусиятига, хусусан, шоирнинг ўзига хос услубига боғлиқ. Ҳақиқий санъаткор ҳеч вақт мана шу жойда фалон усулга ёки фалон тасвирий воситага мурожаат этайин, деган ўйни ҳаёлига ҳам келтирмайди, аксинча, ўз тафаккури, **ҒОЯВИЙ НИЯТИ**, тушунчаси ва материалнинг тақозоси бўйича иш куради. Ижодкорнинг руҳий олами, уни илҳомлантирадиган ҳаётини воқелик қандай бўлса, унинг тасвирий воситалари ҳам шундай бўлади». Бадиий асар тилида услубий вазифа бажаришга хизмат қилувчи тилнинг маҳсус ифода воситалари борки, улар бадиий услубнинг бошқа функционал услублари орасидаги мавқеини ифодаловчи муҳим белгилардан бири саналади¹⁴³⁵. Чунки тил воситаларини мажозий, яъни кўчма маъноларда, ҳамда образли тасвирда қўллаш имкони маълум даражада тилнинг бошда функционал услубларида ҳам мавжуд, аммо уларда бадиий услубдаги каби эркин ва кенг доирада ўрганиш имконияти йўқ.

Маълумки, бадиий асар тили адабий тил тараққиётига ўзининг жиддий ва самарали таъсирини ўтказиб туради. Чунки чинакам бадиий асар халқ тили имкониятларини ўзида тўла мужассам этган бўлади. Халқ тилига хос ифодалар ва уларнинг ички имкониятлари, тил ёки нутқ бирликларини қўллашдаги халқона усуллар бадиий асар тилида ўз қиёфасини топади. Бу ҳолат асар муаллифининг бадиий маҳорати, талантининг мезони бўлган бадиий тасвир воситаларидан, усулларидан қай йўсинда, қандай мақсад билан фойдаланганлиги билан боғлиқдир. Бадиий асар тилининг жозибадор ва таъсирчанлиги ундаги ана шу хусусиятларни

³⁵ Мамажонов С. Услуб, образ, тасвирий воситалар. Шарх юлдузи -1992-№6-15

таъминлаб берувчи бадиий тасвир воситаларидан ўринли ва унумли фойдаланилгани билан ажралиб туради.

Ироник мазмун ифодалаш усули субъектив муносабатнинг бир кўриниши бўлиб, кўпроқ суҳбатдошга нисбатан танқидий қараш ва шу асосда яширин салбий муносабат билдиришдан иборат бўлади.

Маълумки, бадиий асар тилининг салмоқли бўлишида жонли сўзлашув тили (асар қахрамонларининг нутқи), халқ оғзаки ижоди намуналари алоҳида роль ўйнайди. Шу нуқтаи назардан олганда, бадиий асар тили тасвири имкониятларга бойдир.

Услубшуносликнинг ҳозирги кундаги долзарб масалалардан бири нутқ маданиятини шакллантирувчи бадиий тасвир воситаларини ўрганиш, таъсирчан нутқ кўринишларини юзага чиқаришда муҳим роль ўйнайдиган услубий воситаларни аниқлаш ва уларнинг системасини яратишдан иборатдир.

Бадиий асар тилида табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисаларни ғайри одатий тарзда, бошқачароқ тасвирлашга интилиш эҳтиёжи кучли бўлади, бу ҳолат фикрни таъсирлироқ ифодалаш усулларини топишга сабаб бўлиб, улар ижодкор қўлида таъсирчан нутқ кўринишларини шакллантирувчи ва субъектив муносабат ифодаловчи воситага айланади. Бундай воситалардан бири ирониядир. Ирония фақат истехзоли кулгуни юзага келтирувчи восита бўлиб қолмасдан, катта бир ижтимоий мазмун касб этиши мумкин. Унинг бадиий услубдаги хизмати шундан иборатки, фикр вульгар, кўпол ҳолда эмас, балки бир мунча силлиқ, пардали, маданий либос кийдирилган ҳолда баён қилинади. Ирония бадиийлик ва сўзлашув услубида кенг қўлланиладиган усулдир. Унда нутқ муаллифининг бошқа бир шахсга, баъзан нарса, предмет ва ҳодисага бўлган салбий муносабати тилда вульгар сўзлар билан эмас, балки ижобий маънодаги сўз ёки иборалар, синтактик воситалар ёрдамида билдирилади. Аммо бунда тил birlikлари уз маъносида ишлатилмайди, балки улар бутунлай терс маънода қўлланади. Бундай пайтда сўзловчи томонидан муносабат билдириладиган объектга унга хос бўлган фазилатлар ёпиштирилади: баъзан хаддан ташқари мақталади, баъзан эса обрўсизлантиришга уринилади. Тингловчи бу фазилатларнинг тасвир объектига хос ёки хос эмаслиги учун ҳам беихтиёр кулишга мажбур бўлади. Лекин шунини айтиб ўтиш жоизки, ирония ҳамма вақт ҳам кулги уйҳотувчи восита ҳисобланавермайди. Ўта жиддий, аламли таъсир қиладиган воқеа-ҳодисалар ҳам бадиий асарда ироник тарзда берилиши мумкин масалан,

Онам баъзи ваҳтларда: «Янги ёр топганда, дўстлар, эскидан кечмоқ керак!» байтини ўқиб куяр, мен бўлсам ул вақтлар бунинг маъносига тушунмас эдим. Аммо ... энди бу байтни кимга айтилганига ва унинг маъноларига кўп тушунмоқдаман. Ташландиқликнинг сўнг ўтинчи қилиб сиздан шуни сурайман: учинчи ёр топганда, иккинчи бечорага ҳам шундай уятсизлик қилинмаса эди. Бу тилагим учун ажабланмангиз, чунки «ичоқни ўзинга ур, оғримаса ўзгага сол!» —

дейдир. Сизга янги ёр, менга уятсизликнинг қурбони бўлиш муборак! Кумуш эмас, Тупроқбиби ёздим 17 жавзо, 1265 (А.Кодирий).¹⁵³⁶

Юқоридаги мисоллар таҳлили иронияни яна ҳам кенгроқ доирада таҳлил қилишни тақозо этади.

Бадиий услубда ирониянинг аҳамияти шундаки, биринчидан, вульгар сўзлар ишлатилмасдан, ахлоқ нормаларига мос равишда одоб мезони сақланиб қолинади. Иккинчидан, персонаж табиатида йўқ хислат, фазилятлар билан таъриф орқали мулойим кулги билан образли характер яратилади.

Ўрганилган нутқ материалларининг гувоҳлик беришича, ирония бадиий асар тили, унинг эстетик қимматини оширишда катта аҳамият касб этади. Ирониянинг бу хусусияти ҳали атрофлича тўлиқ очилмаган бўлиб, бу борада кўп изланишлар олиб боришга тўғри келади. Ирония эстетик ва бадиий адабиёт йўналишидаги асарларда фикрнинг ўта таъсирчанлигини ифода *этувчи стилистик* усул сифатида муҳим роль ўйнайди. Бу субъектив баҳо ифодалашнинг асосий негизи бўлиб, муаллиф фикрининг бадиий шаклидир.

Ирониянинг бадиий асар тилидаги моҳиятини очишга кўплаб олимлар қўл урганлар. Мутахассислар томонидан замонавий, айниқса, ғарб тилшунослигида, жумладан, инглиз тилшунослигида яратилган ишларда бадиий адабиётда ирониянинг роли тобора ўсиб бораётганлиги алоҳида таъкидланади, Олимларнинг фикрича, ҳозирги даврда дунёни ироник муносабатсиз кўриш, тасаввур қилиш асло мумкин эмас. Ғарб тилшунослари дунёга бундай тарзда ёндашишга Европада ривожланган скептицизм, релятивизм, либерализм ва позивитизм сабаб бўлади, дейдилар. Мазкур оимларнинг мавжудлиги ирониянинг бадиий адабиётда алоҳида ўрин тутганлигини ҳамда услубшуносликда «иринология» йўналишини кенгроқ тадқиқ этиш лозимлигини кўрсатади.

Иринологик йўналиш бўйича изланишлар бадиий адабиёт тилига хос бўлган «ироник маъно», «ироник мазмун», «ироник муносабат» каби атамаларнинг нима сабабдан юзага келиб қолганлигини изоҳлаб беради. Бундай изланишлар иронияни матн доирасида тадқиқ этиш ва унинг матн кўринишларини ўрганиш имконини яратади.

Ироник мазмун — бу манфий, инкор характерга эга бўлган субъектив баҳо модаллиги асосида бериладиган зиддиятли фикрлар йиғиндисидан иборат бўлган бир бутун матннинг — предикатив релятив комплекснинг мазмунидир. Ироник мазмунда муаллифнинг махсади, шахсий муносабати яширинган формада ифодаланади. Тилшунос олима О.С.Ахманова айтганидек: «ирония устидан кулишнинг нозик ва яширин мазмун орқали тескари маънода ишлатиш мақсадига асосланади». Иронияни тилнинг барча тасвирий воситаларига тенглаштириб бўлмайди: «Тилнинг тасвирий воситалари сўз қўллашнинг ҳамма образли кўринишлари, сўз бирикмалари ва товушларни тасвирий қўллашга

^{36 15} Абдулла Қодирий “Мехробдан чаён” -1928

нисбатан айтилиб, кўчма турларнинг ҳамма кўриниши умумлаштирилиб «троплар» атамаси остига бирлаштирилади. Тасвирий воситалар тавсифлаш учун хизмат қилади. Кўчма маъноли воситаларга метафора, метонимия, гипербола, литота, ирония, парафраз ва бошқаларнинг сўз ва иборалар ёрдамида қўлланилувчи усуллар кирди». Кузатишлардан шу нарса маълум бўлдики, ирония бадиий асарларда барча тил воситалари ёрдамидан содир бўлиш хусусиятига эга.

АДАБИЁТЛАР:

1. Белунова Н.И. Интегрирующая функция лексико-синтаксических повторов в текстах публицистического стиля// Текстовые реализации и текстообразующие функции синтаксических единиц: межвузовск. сб. науч. тр. – Л.: Изд-во ЛГПИ, 1988. – с. 70–85.
2. Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. Филол.фанлари ном- зоди дисс.автореф. -Т., 1997. -51 б.
3. Biber D., Conrad S. G.Leech. Student grammar of spoken and written English.Longman, 2003. – 487 p
4. Абдулла Қаҳҳор. Сароб. –Т: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. – 336 б.
5. Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. – Т.: «Шарқ» НМАК, 2014. – 209 б.
6. <http://philologos.narod.ru/ling/mathesius.htm> <https://infourok.ru/tema-predlozhenie-osnovnaya-edinica-rechevogo-obscheniya-3557673.html>